

**МАКТАБ ЁШИДАГИ ҲҰҚУВЧИЛАР ВА ЁШЛАР ҮРТАСИДА
ХҰҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНІ АМАЛГА ОШИРИШ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11098016>

Саттарова Гулираъно Обид қизи

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси

Навоий вилояти бўйича бошқармаси

Болалар билан ишилаш бўлими

инспектор-психологи, лейтенант

Аннотация

Мактаб ёшидаги ҳұқувчилар үртасида ҳұқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш ва ҳұқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши ҳақида қисқача тұхталиб ұтилған. Шунингдек, ёшларнинг ва вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мақсадида қабул қилинган норматив-ҳұқуқий ҳужжатлар ҳам күрсатилған.

Калит сұздар

Вояга етмаганлар, бола түшуңчаси, ёшлар, ҳұқуқбузарлик, ҳұқуқбузарликлар профилактикаси, назоратсиз ва қаровсиз, боланинг қонуний вакили, васийлик ва ҳомийлик.

Хар қайси давлат, ҳар қайси халқ униб-ұсіб келаёттан ёш авлод тимсолида шу халқнинг азалий орзу-интилишларини рұёбга чиқарадиган буюк кучни күради. Айни дамда юртбошимиз томонидан амалга оширилиши белгилаб берилған барча саяй-харакатларимиз ана шундай комил инсонларни тарбиялашга йұналтирилған. Юртимизда миллий қадриятларга асосланған ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ұсіб келаёттан ёш авлодни тарбиялашга ва уларнинг манфаатларини рұёбга чиқаришга қаратылғандыр.

Масалан, ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлған вояга етмаганлар ва оиласаларни үз вақтида аниқлаш, шунингдек, уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳұқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш, назоратсизлик ёки қаровсизлик оқибатида ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган шароитда бўлған вояга етмаганларни үз

вақтида аниқлаш, кўмак бериш сингари эзгу фаолият давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги бежиз эмас.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшлар манфаатлари ва хукуқларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этиладиган хукуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар болаларни ижтимоий ва хукуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишда, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Болаларнинг хукуқий ҳимоясини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг фарзандлари олдидағи масъулиятини ошириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида юртимизда соғлом муҳитни шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Бола тушунчаси 1989 йил 20 ноябрдаги БМТнинг “Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенция” сининг 1 моддасида келтирилган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992-йил 9-декабрдаги 757-ХЛ-сонли “Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида” ги Қарорига мувофиқ қўшилган. Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июльдан кучга кирган. Унга қўра, 18 ёшга тўлмаган ҳар бир шахс, болага нисбатан қўлланиладиган қонунчиликка кўра, у эртароқ вояга этмаган бўлса, **бода** ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тўла хукуқли субъекти сифатида жамиятнинг ижтимоий-хукуқий ҳимояга муҳтоҷ қатлами бўлмиш болаларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва бошқа умумэътироф этилган халқаро шартномаларни тан олди ҳамда уларга амал қилиб келмоқда. Шу асосда “Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунинг лойихаси тайёрланди. Уни ишлаб чиқиш учун Россия Федерацияси, Беларус Республикаси, Латвия, Литва, Азарбайжон, Саха Республикаси (Якутия), Руминия, Гаити Республикаси ва бошқа хорижий мамлакатларда бола хукуқларини тартибга solaётган қонулар ўрганилди ва 2007 йил 23 ноябрда ЎРҚ-139 сонли “Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. 2007 йил 1 декабрда маъқулланиб, 2008 йил 7 январдан кучга кирди. Ушбу қонундаги асосий тушунчалар 3 моддада келтирилган:

бала (болалар) – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

боланинг қонуний вакиллари – ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, хомийлар;

vasiylik va homiylik – ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг хуқуқий шакли. Висийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, хомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади.

Фарзанд ниҳолга ўхшайди. Уни ёшлигидан қандай тарбияласак, шундай вояга етади. Бунда албатта оила, маҳалла, жамиятдаги муҳим аҳамиятга эга. Ўзи, оиласи, халқи, маънавий илдизлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган бола жиноят кўчасига қадам босмайди. Бунга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулиятни чуқур хис этиши, бурчини сидқидилдан бажариши лозим.

Ўзбекистон қонунчилигига асосан, 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, **вояга етмаган** – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс деб таъриф берилган.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, хуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизимиdir.

хукуқбузарликлар профилактикаси – хукуқ-тартиботни саклаш ҳамда мустаҳкамлаш, хукуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хукуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими.

Вояга етмаганлар орасида хукуқбузарликларнинг олдини олишда жамиятнинг асосий бўгини бўлган оиланинг ўрни муҳимдир. Аммо, қайд этилган қонунда бу муҳим тадбирда оиланинг ўрнига аҳамият берилмаган.

Бизнингча, мазкур қонунга болалар таълим-тарбиясида, улар орасида хуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўта муҳим ўрин тутувчи оиланинг иштирокини қонуний тартибга солувчи, унинг маъсулиятини белгиловчи меъёрларни киритиш лозим.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Афсуски, муаммоли, эҳтиёжманд ёки ижтимоий ахволи оғир оиласлар ҳамма жамиятда ҳам учрайди. Оиланинг парчаланиб, пароканда бўлиши, етарлича ғамхўрлик қилинмаслиги сингари омиллар эса, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Оилада болаларга ғамхўрлик қилишнинг имкони бўлмаган ҳолларда давлатнинг роли кучайтирилиши зарур.

Ота-оналарнинг болалар тарбиясига масъуллиги Ўзбекистон Конституциясининг тегишли моддаларида ҳам белгилаб қўйилган. Унга кўра ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар. Бироқ вояга етмаганлар ва ёшлар хуқуқбузарликларнинг олдини олишда ота-оналарнинг иштироки таҳлил қилинганда, ота-оналарнинг 42,8 фоизи фарзандлари тарбиясига эътиборсиз эканлиги, 48,7 фоизи болаларини етарли даражада тарбиялай олмасликлари аниқланди. Ёшлар ўртасида бугунги кунда итоатсизлик, ота-оналарга қулоқ солмаслик иллати шаклланиб бормоқда. Ҳатто ўз ота-онасига нисбатан куч ишлатган ҳолатлар ҳам борлиги аниқланди.

Ҳар қандай мамлакат ўз келажагини болалар, вояга етмаган ёшлар тимсолида, аникроғи уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш орқали келажагинии олдиндан англай олади. Ёшлик даврининг алоҳида эътибор талаб қиласиган ўзига хос хусусиятлари бор. Бу давр ёшларнинг ўқиши, билим олиши, маълум бир касбларни танлаши ва эгаллаши, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларга эга бўлиши, жамият олдидаги бурчларини англаб этиши, ўз дунёқарашини шакллантириб, мустақил ҳаётга киришиши, оила қуриши билан боғлиқ синов ва муаммолар билан тавсифланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жамиятимизда, мамлакатимизда қай бир соҳа ёки қай бир йўналишни олиб қарасак ҳам, уларни ривожлантириш ёш авлодни тарбияси билан боғлиқ эканини кўриш мумкин. Юртимизнинг эртанги тақдири кўп жиҳатдан бугунги авлоднинг таълим-тарбияси, маънавий камолотига боғлиқ. Шу боисдан ҳам вояга етмаганлар ва

ёшларга эътибор масаласига тарбиянинг муҳим воситаси сифатида қаралмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция
3. "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларниң профилактикаси тўғрисида"ги қонун.
4. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун.
5. "Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 18.01.2021 йилдаги 23-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни.
7. <https://lex.uz>